

ДАУЛЕТОВ АДИБЕК ЮСУПБАЕВИЧ

КОРПОРАТИВ ЭЛЕКТРОН ҲУЖЖАТ АЙЛАНИШ ТИЗИМИНИНГ
МОДЕЛ, АЛГОРИТМЛАРИ ВА ДАСТУРИЙ ИНСТРУМЕНТЛАРИНИ
ЯРАТИШ

05.01.09 - Ҳужжатшунослик. Архившунослик. Кутубхонашунослик

ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.13/30.12.2019.Т.07.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

ДАУЛЕТОВ АДИБЕК ЮСУПБАЕВИЧ

КОРПОРАТИВ ЭЛЕКТРОН ҲУЖЖАТ АЙЛАНИШ ТИЗИМИНИНГ
МОДЕЛ, АЛГОРИТМЛАРИ ВА ДАСТУРИЙ ИНСТРУМЕНТЛАРИНИ
ЯРАТИШ

05.01.09 - Ҳужжатшунослик. Архившунослик. Кутубхонашунослик

ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2022.3.PhD/Т3000 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент ахборот технологиялари университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб саҳифасида (www.tuit.uz) ва «Ziyounet» ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: Мўминнов Баҳодир Болтаевич
техника фанлари доктори, профессор

Расмий оponentлар: Тураев Шавкат Шухратович
иктисод фанлари доктори, доцент

Элов Ботир Болтаевич
техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

Етакчи ташкилот: Ўзбекистон Илмий-техник ва тиббиёт ҳужжатлари
миллий архиви

Диссертация ҳимояси Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги DSc.13/30.12.2019.Т.07.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «17» декабр да соат 12⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтди. (Манзил: 100202, Тошкент шаҳри, Амир Темуր кўчаси, 108-уй. Тел.: (99871) 238-64-43; факс: (99871) 238-65-52; e-mail: tuit@tuit.uz).

Диссертация билан Тошкент ахборот технологиялари университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (2704 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100202, Тошкент шаҳри, Амир Темуր кўчаси, 108-уй. Тел.: (99871) 238-64-43).

Диссертация автореферати 2022 йил «05» декабр куни тарқатилди.
(2022 йил «03» декабр даги 9 рақамли реестр баённомаси).



Б.Ш.Махсумов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, и.ф.д., профессор

Э.Ш.Назирова
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, т.ф.д., доцент

М.А.Раҳматуллаев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
ҳузуридаги илмий семинар
раиси, т.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Covid-19 пандемияси сабаб дунё ташкилотларида идорадан ташқари иш шароитида аҳамиятга эга бўлган ҳужжат оқимида бўлган талаб ошди. Бу эса ўз навбатида электрон ҳужжат айланиш тизимларига бўлган эҳтиёжни оширди. Жамиятнинг раванқ топиши ундаги ташкилотларнинг ўзаро боғлиқлиги, интеграция ва уларда ахборотларнинг ўзаро ишончли, тезкор таъминланганлигига боғлиқ. Жаҳондаги юқори брендли ташкилотларга ҳужжат айланиш тизимлари кенг жорий қилинмоқда. Бу амалий чора тадбирларнинг ривожланиши жуда тезкор амалга оширилмоқда, айниқса, давлатлараро ҳужжатларнинг электрон шаклда айланиш тизимлари илмий ва амалий масала сифатида ўрганилмоқда. Мазкур соҳада ривожланган хорижий мамлакатларда, шу жумладан, АҚШ, Франция, Германия, Италия, Россия Федерацияси, Хитой, Япония, Эрон, Жанубий Корея ва бошқа давлатларда электрон ҳужжат айланиш тизимларини яратиш ва ундан фойдаланишга катта эътибор қаратилмоқда.

Жаҳонда электрон ҳужжат айланиш тизимларини яратиш ва жорий қилишда давлатлар, ташкилотларнинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олиб, норматив меъёрий ҳужжатлар ҳамда жуда кўп ахборот тизимларининг, математик моделлари, функционал тузилмалари ишлаб чиқилган. Хорижий ва мустақил давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатларида кўплаб компаниялар жумладан «Bbworkspace», «CognitiveForms», «DocuPact», «CompanyMedia», «DocsVision», «EXO», «Sonora» «Excalibur EFS», «Alfresco (ECMсистема)», «Fabasoft eGov-Suite», «FolioCloud», «GlobusProfessional», «Groove», «iManage WorkSite MP», «MeetingZone», «Nuxeo», «OpenText LiveLink», «SiTex-Документооборот» «1С:Документооборот», каби дастурий маҳсулотлар яратилган ва мос равишда ўзининг норматив-меъёрий ҳужжатларига эга. Бугунги кунда архив фондида 12 триллиондан ортиқ ҳужжат мавжуд бўлиб, бу кўрсаткич ҳар йили қамида 2,5 миллиардга кўпайиб бормоқда. Бу эса қоғоз ҳужжатларини архивда сақлаш харажатларни талаб қилишини ҳисобга олсак, иш жараёнини рақамлаштиришнинг долзарб эканлигига яққол белги ҳисобланади.

Республикамизда ҳам электрон ҳужжат айланиш тизимларини яратиш ва амалиётга жорий қилиш буйича кенг қамровли ишлар олиб борилмоқда. Ўзбекистон Республикаси президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2019-йил 9-декабрдаги ПҚ-4546-сонли Қарорининг жорий қилиш дастури ва чора-тадбирларида илм, маърифат ва рақамли “Бюрократик тўсиқларни янада қисқартириш ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятига замонавий бошқарув тамойилларини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида” Қарорига асосан 2020-йил 1-январдан бошлаб барча давлат органлари ва ташкилотлари, уларнинг таркибий бўлинмалари ўртасида ҳужжат айланиш ва ҳисоботларни юритиш фақат электрон кўринишда амалга

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 декабрдаги ПҚ-4546-сонли қарори.

оширилиши айtilган. Мазкур қарор лойиҳаси Адлия вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, унинг асосий мақсади барча турдаги ҳужжатларнинг нафақат қоғоз шаклда, балки электрон шаклда яратилиши, уларни ўзаро алмашинуви ва сақлаб қўйилишнинг босқичма-босқич шакллантиришдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020-йил 28-апрелдаги «Рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4699-сон Қарорини² жорий қилиш дастури ва чора тадбирларида Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йилида амалга ошириш керак бўлган вазифаларга мувофиқ ҳамда иқтисодиёт тармоқлари ва давлат бошқаруви тизимига замонавий ахборот технологияларини кенг жорий этиш ҳамда телекоммуникация тармоқларини кенгайтириш вазифалари қўйилган. Республикада турли ва турдош муассасалари орасида электрон ҳужжат айланиш тизимларини яратиш ва амалиётга жорий қилиш долзарб масалалардан ҳисобланади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг IV. «Ахборотлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммоннинг ўрганилганлик даражаси. Электрон ҳужжат айланиш тизимларини яратиш ва жорий қилиш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борган Ю.Ю.Петров, Ю.В.Химич, В.М.Киреев, Ф.Фатеев, Г.И.Андреев, Х.Н.Зуй, Е.Рaff, J.Oliveria, A.R.Silva, A.S.Araujo, В.И.Аверченков, А.А.Белов, В.А.Гвоздева, В.П.Комаров, И.К.Корнеев, В.А.Машурцов, И.Ф.Кузнецов, Н.В.Кузьменко, Е.В.Михеев, Н.М.Шерыхалина каби олимларнинг илмий тадқиқот ишларида ўрганилган.

Республикада электрон ҳужжат айланиш тизимларининг модел ва алгоритмларини ишлаб чиқиш ва жорий қилиш бўйича илмий тадқиқотлар, М.А.Раҳматуллаев, А.Р.Ахатов, Б.Б.Мўминов, О.Бобомурадов, К.Ф.Керимовлар каби олимлар раҳбарлигида ўрганилган.

Ушбу соҳадаги тадқиқотлар таҳлили шуни кўрсатдики, бугунги кунга корпоратив тармоқларда электрон ҳужжат айланиши ташкилотга кирувчи электрон ҳужжатни метамаълумотлари орқали тавсифлаш, ҳужжатларни бошқариш ва шакллантириш схемаси, шу схема асосида ҳужжатларга ишлов бериш ва бошқаришнинг математик моделини куриш, динамик ҳисоботларни шакллантириш борасида илмий изланишлар олиб бориш ҳозирги кунда етарли даражада ўрганилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Муҳаммад ал Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университетининг профессор-ўқитувчилари № Ф05/14 «Корпоратив электрон ҳужжат айланиш тизимининг модел, алгоритмлари ва дастурий инструментларини яратиш» (2019-2020 йй.) ҳамда «21/19-Ф-

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 28 апрелдаги ПҚ-4699-сонли қарори.

Методы и программные средства интеграций разнородных информационных систем» (2019-2021 йй.) мавзусидаги лойиҳа асосида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Фан ва таълимга оид электрон ҳужжатлар айланиш тизимининг модел, алгоритмлари ва дастурий инструментларини яратиш ҳамда амалга жорий қилиш.

Тадқиқотнинг вазифалари:

электрон ҳужжатларни бошқариш ва шакллантириш схемаси асосида ҳужжатларга ишлов бериш ва бошқаришнинг математик моделини куриш;

MARC21 майдонлари ва майдонларни ҳосил қилувчи маълумот тузилмаси асосида ҳужжатларни тавсифлаш конструкторининг алгоритми ва дастурий инструмент ишлаб чиқиш;

электрон ҳужжат айланиш тизимларининг мантиқий – функционал жараёнларини лойиҳалаш модели ва вақтини ҳисоблаш алгоритмини, модуллар ва тизимости модулларининг вазифаларини аниқлаш ҳамда функционал тузилмасини ишлаб чиқиш;

MARC21 ва тег майдонлар асосида, кўп параметрли динамик ҳисоботларни шакллантириш услублари ҳамда алгоритмлари ва дастурий инструментини ишлаб чиқиш;

Объект-реляцион моделлаш асосида электрон ҳужжатларни тавсифлашга йўналтирилган маълумотлар базасини лойиҳалаш босқичлари ва ER моделини, тезкор саралаш усулларининг ёндашувлари асосида излаш механизмларини, алгоритми ва дастурий инструментини ишлаб чиқиш.

Тадқиқот объекти Ташкилотлараро ва ташкилотнинг функционал тузилмаси, фаолиятига оид ҳужжатлар айланиши жараёнлари.

Тадқиқот предмети – электрон ҳужжат айланиш тизимларини қўллаб-қувватлаш учун мўлжалланган математик моделлар, алгоритмлар ва дастурий мажмуаси.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида ахборот тизимларини лойиҳалаштириш, функционал тузилмаси ER моделлар, алгоритмлар, маълумотлар базаси, OLTP, OLAP ва MVC технологиялари ҳамда дастурлаш тилларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

MARC21 майдонлари ва майдонларни ҳосил қилувчи маълумот тузилмаси асосида ҳужжатларни тавсифлашнинг иккита конструктори алгоритмлари ва дастурий инструментлари ишлаб чиқилган;

BPMN методологияси асосида электрон ҳужжат айланиш тизимларининг мантиқий - функционал жараёнларини лойиҳалаш модели ва вақтини ҳисоблаш алгоритми ишлаб чиқилган;

MARC21 ва тег майдонлар асосида кўп параметрли динамик ҳисоботларни электрон ҳужжатнинг тавсифи, даврий интервал, электрон ҳужжатнинг бажарилиши бўйича ҳисоботларни шакллантириш алгоритмлари ва дастурий инструменти ишлаб чиқилган;

объект-реляцион моделлаш асосида электрон ҳужжатларни тавсифлашга йўналтирилган маълумотлар базасини лойиҳалаш босқичлари ва ER модели ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Электрон ҳужжатларни бошқариш ва шакллантириш схемаси асосида ҳужжатларга ишлов бериш ва бошқаришнинг математик моделини куриш ҳамда унинг ечимлари аналитик усулда топилди;

Электрон ҳужжат айланиш тизимларининг модуллар ва тизим ости модулларининг вазифалари ҳамда функционал тузилмаси ишлаб чиқилди.

Электрон ҳужжатларни излаш ва тезкор саралаш усулларининг ёндашувлари асосида излаш механизмлари, бошқа модуллар ҳамда дастурий мажмуа ишлаб чиқилди.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ташкилотларда кирувчи-чиқувчи ва ички ҳужжат айланишини электрон ҳужжат айланиш тизимлари орқали амалга оширишнинг бошқариш тизимини замонавий методологиялар асосида яратиш босқичлари, жумладан: электрон ҳужжатни яратиш, сақлаш, ишлов бериш йиғиш ва узатиш, жорий этиш, қўллаб-қувватлаш ҳамда назарий ва амалий тадқиқотлардан олинган натижалари, электрон ҳужжат айланиш тизими маълумотлари тахлили натижаларини ва уларнинг ўзаро мувофиқлаштирилганлиги, статистик маълумотларнинг солиштириш натижаларининг ижобийлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти кўп параметрли электрон ҳужжатнинг тавсифини яратувчи конструкторлар, динамик ва даврий интервал, электрон ҳужжатнинг бажарилиши бўйича ҳисоботларни шакллантириш услублари, алгоритмлари ва дастурий инструменти асосида электрон ҳукумат доирасидаги, кутубхона ва архив дастурий таъминотлари ишлаб чиқишда назарий масалаларни ечиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти тадқиқот натижаларида яратилган алгоритмлар ва дастурий воситалар асосида электрон ҳужжат айланиш тизимларида электрон ҳужжатларни излаш тезкор саралаш ҳамда усулларининг ёндашувлари асосида такомиллаштиришга хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ишлаб чиқилган электрон ҳужжат айланиш тизимида электрон ҳужжатларни тавсифлаш, манتيкий функционал жараёнларни лойиҳалаш ҳамда кўп параметрли динамик ҳисоботларни шакллантириш алгоритмлари ва дастурий инструменти асосида:

MARC21 майдонлари ва майдонларни ҳосил қилувчи тузилма асосида ҳужжатларни тавсифлаш конструктори, кўп параметрли динамик ҳисоботларни шакллантириш услублари, алгоритмлари ва дастурий инструменти асосида яратилган тизими Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси ДУК “ОАК ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва ривожлантириш маркази” фаолиятида жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникация агентлигининг 2022-йил 24-августдаги 12-3467-сонли маълумотномаси).

Электрон ҳужжат айланиш тизими асосида самарадорлик натижаларидан корпоратив электрон ҳужжат сони 25% га ошган, электрон ҳужжатларга ишлов бериш ва электрон ҳужжат жавобини олиш вақти 50% га қисқарган, кирувчи ва чикувчи, ички ҳужжатлардан фойдаланиб, қоғоз билан ишлайдиган вақтини 60% тежаган.

BPMN методологияси асосида электрон ҳужжат айланиш тизимларининг мантикий - функционал жараёнларини лойиҳалаш модели ва вақтини ҳисоблаш алгоритми, электрон ҳужжатларни тавсифлашга йўналтирилган маълумотлар базасини лойиҳалаш босқичлари ва ER модели асосида яратилган тизими Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги фан доктори илмий даражасини берувчи DSc.13/30.12.2019.Т.07.01 ва DSc.13/30.12.2019.Т.07.02 Илмий кенгашлари ва Илмий кенгаши фаолиятида жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникация агентлигининг 2022-йил 24-августдаги 12-3467-сонли маълумотномаси). Ташкилотга кирувчи ва чикувчи, ички ҳужжатлардан фойдаланиб, қоғоз билан ишлайдиган вақтини 60% тежаган, ҳужжатларни юбориш харажатларини ўртача 5 мартага камайтирган.

Кўп параметрли динамик ҳисоботларни электрон ҳужжатнинг тавсифи, даврий интервал, электрон ҳужжатнинг бажарилиши бўйича ҳисоботларни шакллантириш услублари, алгоритмлари ва дастурий инструменти асосида ишлаб чиқилган тизими “Developer Group” МЧЖ иш юритиш ва хат алмашиш фаолиятида ўқувчилар ва ота-оналар билан ёзишмаларни ўрганиш ва МЧЖ ички масалаларини ҳал қилишга жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникация агентлигининг 2022-йил 24-августдаги 12-3467-сонли маълумотномаси). Электрон ҳужжат айланиш тизими асосида самарадорлик натижаларидан ходимларга мўлжалланган автоматлашган ишчи ўринлар асосида иш самарадорлиги ўртача 2,25 баробарига ошган, кирувчи ва чикувчи, ички ҳужжатлардан фойдаланиб, қоғоз билан ишлайдиган вақтини 60% тежаган, ҳужжатларни юбориш харажатларини ўртача 5 мартага камайтирган. Бундан эса, давлат органларининг, хусусий секторларнинг фаолиятида тадқиқотнинг илмий ва амалий натижаларидан фойдаланиш мумкинлигини ва бу электрон ҳужжат айланиш тизимини оммалаштириш мумкинлигини аниқлаб беради.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 7 та халқаро ва 7 та Республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 21 та илмий иш чоп этилган, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, 3 таси хорижий ва 3 таси республика журналларида нашр этилган ҳамда 1 та ЭХМ учун яратилган дастурий воситаларни қайд қилиш гувоҳномалари олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 118 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, мақсад ва вазифалари белгилаб олинган ҳамда тадқиқот объекти ва предмети аниқланган, олинган натижаларнинг ишончилиги асослаб берилган, уларнинг назарий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларини амалда жорий қилиш ҳолати, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «Электрон ҳужжат айланиш тизимларини яратишнинг назарий асослари ва таҳлили» деб номланган биринчи бобида электрон ҳужжат айланиш тизимларини жорий қилиш, ҳаёт даври ва таъминотлари тадқиқи, ҳужжат айланишнинг тенденциялари ва усуллари таҳлил қилинган. Электрон ҳужжат айланиш тизимига бўлган эҳтиёжни ўрганиш, техник топшириқ тайёрлаш, глобал босқичларни лойиҳалаштириш, локал босқичларни лойиҳалаштириш, техник таъминотни танлаш, алгоритм ва дастурий модуллар яратиш, теслаш ва хатоларни олдини олиш, ҳужжатлаштириш, эксплуатация ва кадрларни тайёрлаш, жорий қилиш, сервис хизмат кўрсатиш ва техник қўллаб қувватлаш. Ушбу санаб ўтилган босқичларни тўғри ташкил қилишда ягона форматида маълумот алмашиш имконини берувчи электрон ҳужжат айланиш тизимини ишлаб чиқиш мумкин. Тадқиқот давомида ўрганилган электрон ҳужжат айланиш тизимнинг ҳаёт давлари турлари ва ишлаб чиқишнинг босқичларини бошқариш тизимлари, таъминотлари асосида яратилса, тизим тўлиқ ва амалий томондан етарли даражада адекват ҳисобланади.

Диссертациянинг «Электрон ҳужжат айланиш тизимларининг математик моделлари» деб номланган иккинчи бобида электрон ҳужжат айланиш тизимларининг синфлари ва ишлов беришнинг математик моделлари, электрон ҳужжат айланиш тизимини бошқаришнинг математик ва ахборот модели, ҳужжатларни тавсифлаш учун конструктор яратиш ҳамда электрон ҳужжат айланиш тизимларнинг мангикий - функционал жараёнларини лойиҳалаш ва вақтини ҳисоблаш масалалари ечилган.


Электрон ҳужжат айланиш тизимларининг ўзига хос хусусиятлар асосида синфларга, яъни локал, корпоратив, минтақавий, глобал ахборот тизимларига ажратилди. Ахборот тизимининг синфларга мос электрон ҳужжатга ишлов беришнинг бошқариш ва шакллантиришдан олдин уларни синфларини хос хусусиятларини ўрганилди.

Электрон ҳужжат айланиш тизимларининг ташкилотлараро муносабати, кирувчи ва чиқувчи ҳужжатларни ўрганиш, ташкилот ички электрон ҳужжат

айланиш тизимдан ўтказиш, яъни ишлов беришнинг бошқариш вақтини аниқлаш учун жараённинг математик модели қурилди. Маълумотларни, ҳужжатларни реал вақт мобайнида амалга оширилади деб, уни

$$x_1 = x_1(t), x_2 = x_2(t), x_3 = x_3(t), x_4 = x_4(t), x_5 = x_5(t)$$

каби ифодалаш мумкин. Локал электрон ҳужжат айланиш - ташкилотнинг ички электрон ҳужжат айланиш тизими бўлиб, фақат ички бўлимлар билан ҳужжат айланиш учун мўлжалланган (1-расм).



1-расм. Локал электрон ҳужжат айланиш тизимида ҳужжатларни бошқариш ва шакллантириш схемаси.

Бу тизимнинг ҳужжат айланиши ташқи ҳужжатларсиз математик ифодасини (1-расм) бўйича аниқланади ва у қуйдагича.

$$\begin{cases} \frac{dx_1}{dt} = -k_1 x_1 \\ \frac{dx_2}{dt} = k_1 x_1 - k_2 x_2 \\ \frac{dx_3}{dt} = k_2 x_2 - k_3 x_3 \\ \frac{dx_4}{dt} = k_2 x_2 - k_4 x_4 \\ \frac{dx_5}{dt} = k_3 x_3 + k_4 x_4 \end{cases} \quad (1)$$

(1) математик моделда x_1, x_2, x_3, x_4, x_5 - ташкилотнинг ички бўлимларидаги ҳужжатларнинг реал вақтдиги маълумотлари, k_1, k_2, k_3, k_4 - ташкилотнинг ҳар бўлимига мос босқичда ҳужжатларни шакллантириш коэффициенти.

Таклиф этилган математик модел электрон ҳужжат айланиш тизимларида электрон ҳужжатга ишлов бериш ва бошқариш тезлиги ечимларини топишга имкон беради. Электрон ҳужжат айланиш тизимда ҳужжатларни тавсифлаш деганда электрон ҳужжатнинг мета маълумотлари орқали баён қилиш назарга тутилади. Бундай усуллар кутубхона тизимларида кенг фойдаланиб келинади.

MARC21 майдонлари орқали ёки майдонларни ҳосил қилувчи восита орқали иккита конструктор яратиш таклиф қилинди.

1. MARC21 майдонлари орқали ҳужжатларни тавсифлаш конструкторини яратиш.


2. Майдонларни ҳосил қилувчи дастурий инструмент орқали ҳужжатларни тавсифлаш конструкторини яратиш.

MARC21 майдонлари орқали ҳужжатларни тавсифлаш усулида яратилган майдон A тўплам билан белгилаб олинади. Унда электрон ҳужжат айланиш тизимида яратилган барча майдонларни $A_i, i=1..J$ каби аниқланади. Бунинг учун эса, электрон ҳужжатнинг тавсифлашга зарур бўладиган майдонлар жамланмасини D^e тузиб олиш мақсадга мувофиқ. Буни қуйидагича ифодаланади:

$$D^e = \sum_{i=1}^J (k_i A_i) \quad (2)$$

Электрон ҳужжат тавсифини ифодаловчи (2) ифодада k_i коэффициент бинар хусусиятли коэффициентлар бўлиб ҳисобланади бунда $k_i = \{0, 1\}$.

Электрон ҳужжат тавсифини яратиш алгоритмининг блок-схема 2-расмда келтирилган.



2-расм. Электрон ҳужжатнинг тавсифини яратишнинг алгоритми.

Бу алгоритмдан электрон ҳужжат айланиш тизимларидан тўлиқ фойдаланиш учун админ фойдаланувчи MARC21 майдонлари жуда яхши билиши шарт.

Майдонларни ҳосил қилувчи дастурий инструмент орқали ҳужжатларни тавсифлаш конструкторини яратиш услубида маълумотларни қуйидаги 7 та $N_s, N_t, N_x, N_r, N_{str}, N_f, N_d$ типларга ажратилади.

Электрон ҳужжатни тавсифлаш учун қуйидагича математик модел қурилади.

$$\begin{aligned}
N(N_s^c, N_r^c, N_i^c, N_r^c, N_{str}^c, N_f^c, N_d^c) = & (F^S(P_{i,j}) \wedge \sum_{i=1}^{N_i^c} S_i(P_{1,j+k}, P_{2,j+k}, P_{3,j+k}, P_{4,j+k})) + \\
& + (F^T(P_{i,j}) \wedge \sum_{i=1}^{N_i^c} T_i(P_{1,j+k}, P_{2,j+k}, P_{3,j+k}, P_{4,j+k})) + (F^I(P_{i,j}) \wedge \sum_{i=1}^{N_i^c} I_i(P_{1,j+k}, P_{2,j+k}, P_{3,j+k}, P_{4,j+k})) + \\
& + (F^R(P_{i,j}) \wedge \sum_{i=1}^{N_i^c} R_i(P_{1,j+k}, P_{2,j+k}, P_{3,j+k}, P_{4,j+k})) + (F^{str}(P_{i,j}) \wedge \sum_{i=1}^{N_{str}^c} Str_i(P_{1,j+k}, P_{2,j+k}, P_{3,j+k}, P_{4,j+k})) + \\
& + (F^F(P_{i,j}) \wedge \sum_{i=1}^{N_f^c} F_i(P_{1,j+k}, P_{2,j+k}, P_{3,j+k}, P_{4,j+k})) + (F^D(P_{i,j}) \wedge \sum_{i=1}^{N_d^c} D_i(P_{1,j+k}, P_{2,j+k}, P_{3,j+k}, P_{4,j+k}))
\end{aligned} \tag{3}$$

Бу майдонлар учун a, b, c, d - майдоннига хос хусусиятларининг типлари бир хил ва қийматлари турли бўлиши асосида $P_{i,j} = (P_{i,j}), i = 1..4, j = 1..N^c, N^c = N_s^c + N_r^c + N_i^c + N_r^c + N_{str}^c + N_f^c + N_d^c$ икки ўлчовли массив каби аниқланади. Бунда $P_{i,j}$ нинг i бўйича типлари бир хил, маълумотлари эса турлича бўлади. Агар $N_s^c + N_r^c + N_i^c + N_r^c + N_{str}^c + N_f^c + N_d^c$ такрорланишларнинг бирортасининг сони 0 га тенг бўлса, мос майдон учун майдон қуриш ва унинг мос массивини ҳисоблаш амалга оширилмайди.


Майдонларни ҳосил қилувчи дастурий инструмент орқали ҳужжатларни тавсифлашнинг юқорида таклиф берилган математик модел асосида конструкторнинг ишлаш алгоритми ишлаб чиқилди.

Таклиф этилган икки дастурий инструментларни алоҳида фойдаланиш электрон ҳужжат айланиш тизимларида афзалликлари ва камчиликлари ўрганилди. Бу келтирилган имкониятларни бирлаштириб, электрон ҳужжат айланиш тизимларини амалиётга жорий қилиш, тўлиқ фойдаланиш хусусияти билан электрон ҳужжатларнинг айланиш жараёнлари самарали ўзгариши асосланди.

Электрон ҳужжат айланиш тизимларининг мантиқий функционал жараёнларини асосий тўрт турга ажратилди.

1. B_1 -Ташкилотда бир фаолиятга йўналтирилган электрон ҳужжат жилдини яратиш ва узатиш.
2. B_2 - Ташкилотга келган электрон ҳужжатни жорий қилиш.
3. B_3 - Ташкилотда электрон ҳужжатни яратиш ва узатиш.
4. B_4 - Ташкилотда электрон ҳужжатга ишлов бериш ва жавоб узатиш.

Бу мантиқий функционал жараёнларни электрон ҳужжат айланиш тизимининг хос хусусиятлардан келиб чиқиб такомиллаштириш мумкин бу эса жараёнларнинг таркиби, тузилиши ва ҳодисаларининг тавсифлари билан фарқланади. Ташкилотда бир фаолиятга йўналтирилган электрон ҳужжат жилдини яратиш ва узатиш жараёнида тенгдош, ташкилот ости, қисман юқори ташкилотларнинг бир фаолиятига қаратилган жараён ҳисобланади. Унинг BPMN модели куйидигича қурилади (3-расм).



3-расм. Ташкилотда бир фаолиятга йўналтирилган электрон хужжат жилдини яратиш ва узатишнинг BPMN модели.

BPMN моделида 6 та ходиса, 2 кутиш ходисаси ва 9 та хусусият мавжуд ва ҳар бир i – жараён учун қуйидаги хусусият ва ходисалар йиғиндисига тенг.

$$T^i = \sum_{l=1}^N \left\{ \sum_{j=1}^6 \begin{cases} e_{i,j}, & \text{агар } \left\{ \frac{j}{2} \right\} = 0 \\ \sum_{x=1}^{N_x} e_{i,j}^x, & \text{агар } \left\{ \frac{j}{2} \right\} = 1 \end{cases} + \sum_{k=1}^2 (n_{x_k} \cdot d_{i,k}^{x_k}) + \sum_{l=1}^9 \begin{cases} p_{i,l}, & \text{агар } l = 5 \\ N_{x_l} \cdot p_{i,N_{x_l}}, & \text{агар } l \neq 5 \end{cases} \right\} \quad (4)$$

Ҳар бир ташкилотда электрон хужжатга ишлов бериш, ташкиллаштириш нуқтаи назаридан турлича амалга оширилиши ҳам мумкин.

Бу каби лойиҳалаштириш электрон хужжат айланиш тизимдаги электрон хужжатга ишлов бериш вақтини аниқлашга хизмат қилади. Бу вақтни T деб белгиласак, унда юқорида келтирилган мантикий функционал жараёнлар асосида умумий вақтни қуйидагича ифодалаймиз.

$$T = T^1 + T^2 + T^3 + T^4 = \sum_{k=1}^4 T^k$$

Бунда T^1, T^2, T^3, T^4 - мос равишда мантикий функционал жараёнлардаги электрон хужжатга кетадиган умумий вақтдир.

Мантикий функционал жараён моделлари асосида электрон хужжат айланиш тизимларни лойиҳалаш учун қуйидаги 4 та белгилаш киритилди:

1. $\circ \rightarrow$ - бошланғич мантикий функционал жараёндан навбатдаги мантикий функционал жараёнга ўтиш.

2. \rightarrow - жорий мантикий функционал жараёндан навбатдаги мантикий функционал жараёнга ўтиш.

3. \vdash жорий мантикий функционал жараёндан охирги мантикий функционал жараёнга ўтиш.

4. $\circ \vdash$ бошланғич мантикий функционал жараёндан охирги мантикий функционал жараёнга ўтиш.

Бу белгилардан фойдаланиб, турли мақсадли электрон ҳужжат айланиш тизимларини лойиҳалаш амалга оширилади. Хусусий ҳолда объект учун ҳолатлар мисолида (5) каби лойиҳалаш амалга оширилади.

$$\begin{cases} (B_3 \circ \rightarrow B_2 \rightarrow B_1 \rightarrow B_4 \vdash B_2) \\ (B_1 \circ \rightarrow B_4 \vdash B_2) \\ (B_3 \circ \vdash B_2) \\ (B_2 \circ \vdash B_1) \end{cases} \quad (5)$$

(5) ифода лойиҳалаштирилмоқчи бўлган электрон ҳужжат айланиш тизимининг ташкилот учун мантикий функционал жараёнлари ифодаланган.

Диссертациянинг «Электрон ҳужжат айланиш тизимининг алгоритм ва дастурий восита» деб номланган учинчи бобида электрон ҳужжат айланиш тизимининг функционал тузилмасини лойиҳалаштириш ва ишлаб чиқиш. Кўп параметрли ҳисоботларни шакллантириш услублари ва алгоритмлари, электрон ҳужжатларни тавсифлашга йўналтирилган маълумотлар базасини лойиҳалаш ва бошқариш. Электрон ҳужжатларни ишлаш ва тезкор саралаш усуллари ишлаб чиқилган.

Электрон ҳужжат айланиш тизимларининг функционал тузилмани ишлаб чиқиш самараси электрон ҳужжат айланиш тизимларининг ички ва ташқи хусусиятлари, ташкилотнинг дастлабки ва жорий қилингандан сўнгги фаолияти билан функцияларнинг қийматларига боғлиқ. Шунинг учун қуйидагича белгилашлар киритилади.

- $\{I_i\}$ функционал тузилманинг самарадорлик қиймати, $I_i \in I$, $i = 1 \dots N$;
- $\{P_i^B\}$ ташкилот фаолиятига оид функцияларнинг дастлабки натижалари, $P_i^B \in P^B$, $i = 1 \dots N$;
- $\{P_i^E\}$ ташкилот фаолиятига оид функцияларнинг ахборот тизими жорий қилингандан кейинги натижалари, $P_i^E \in P^E$, $i = 1 \dots N$.

Тизимнинг функционал самарадорлигини, функцияларининг ўртача самардорлигини, тизимнинг ҳар бир функция натижаларининг йиғиндиларининг ўрта арифметици қуйидагича ифодаланади.


$$I_i = |P_i^B - P_i^E|, \quad I^m = \frac{1}{N} \sum_{i=1}^N I_i, \quad I^u = \frac{1}{N} \sum_{i=1}^N I_i, \quad I^* = \frac{1}{N} \left| \sum_{i=1}^N P_i^B - \sum_{i=1}^N P_i^E \right|, \quad (6)$$

Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, (6) функцияларнинг ўртача самарадорлигига нисбатан ҳар бир функция натижалари йиғиндиларининг ўрта арифметици кичик, яъни $I^m > I^u$ бўлади. Шунинг учун функцияларнинг самарадорлигини ҳисоблаш учун қуйидаги ифода таклиф қилинади.

$$l^* = \frac{1}{2} |l^u + l^{u*}| \quad (7)$$

(7) ифодадан кўринадики, ахборот тизимини яратишнинг кўриб чиқилган босқичида асосий кўрсаткичлар аниқланиши керак, уларнинг тақомиллаштирилиши тизимни ривожлантиришнинг мақсадга мувофиқлигини асослаши мумкин.

Функционал тузилмани ифодалашда турлича ёндашувлардан фойдаланиб асосий объектлари ва тизимостилари, уларнинг модулларини келтириш мумкин.



4-расм. Электрон ҳужжат айланиш тизимининг функционал тузилмаси ва тизимостилари

Электрон ҳужжат айланиш тизимларида ҳисоботларни шакллантириш масаласи кўп параметрларга боғлиқ бўлиб ҳисобланади. Кўп хусусиятли параметрларни ўрганиб, электрон ҳужжат айланиш тизимларида уч хил ҳисоботларни шакллантириш услублари ва уларга мос алгоритмларни ишлаб чиқиш лозимлиги аниқланди. Буларга:

1. R_T -Электрон ҳужжатнинг тавсифи бўйича ҳисоботларни шакллантириш.
2. R_T - Даврий интервал ҳисоботларни шакллантириш.
3. R_E -Электрон ҳужжатнинг бажарилиши бўйича ҳисоботни шакллантириш.

R_T -Электрон ҳужжатнинг тавсифи бўйича ҳисоботларни шакллантиришнинг асосий ғояси электрон ҳужжатларни тавсифи учун фойдаланиладиган метамаълумотлардан фойдаланиб амалга ошириш ҳисобланади. Ҳисоботнинг барча маълумотлар жамланмасини R_T билан белгилаймиз ва (8) ифода билан аниқлансин:

$$R_T = \sum_{i=1}^n H_i \quad (8)$$


Бунда n – ҳисобот учун тегишли бўлган жами маълумотлар сони.

Ҳисоботдаги ҳар бир H_i ни танлаб олиш учун қуйидаги (9) ифода берилган бўлсин

$$H_i = \langle P'_N, P'_S, G_i(x), P'_T \rangle \quad (9)$$

Бунда P'_N - бу i - объектга тегишли майдон номи бўлиб, электрон хужжат айланиш тизимидаги барча MARC21 ёки фойдаланувчининг майдонлари киради.

R_T -Электрон хужжатнинг тавсифи бўйича ҳисоботларни шакллантиришнинг алгоритми куйида келтирилган (5-расм).



5-расм. Электрон хужжатнинг тавсифи бўйича ҳисоботларни шакллантириш алгоритми


Ишлаб чиқилган R_T , R_I , R_E -ҳисоботларни шакллантириш алгоритмларининг натижаларини бирлаштириш орқали электрон хужжат айланиш тизимида бир нечта ҳисоботларни олиш мумкин.

Электрон хужжатларни тавсифлашга йўналтирилган маълумотлар базасининг икки асосий хусусияти бўлиши керак. Бу хусусиятларга, биринчиси электрон хужжатни тавсифлаш учун метамаълумотлар, электрон хужжат билан боғлиқ маълумотларни структураланган ва структураланмагани ҳамда иккинчиси ҳисоботларни динамик шакллантириш имконияти, қидирув ҳолатларини қўллаб қувватлашдир.

Бу хусусиятли маълумотлар базаларини лойиҳалаш учун қуйидаги босқичларнинг таҳлилин аналга ошириш лозим:


1. Барча керакли ва доимий маълумотларни маълумотлар базасида сақлаш учун маълумот тузилмасини ишлаб чиқиш;
2. Маълумотлар базасида берилган сўровга мос барча маълумотларни олиш учун имкониятини ва процедураларини куриш;
3. Ортиқча ва маълумотларнинг такрорланиши олдини олиш учун ўзаро мантқий муносабатларни куриш;
4. Маълумотлар базасининг яхлитлигини таъминлаш учун объект муносабат (ER) моделини куриш.

Барча керакли ва доимий маълумотларни маълумотлар базасида сақлаш, маълумот тузилмасини ишлаб чиқиш учун предмет соҳасининг объектларини аниқлаб олиш лозим. Буни одатда Концептуал (инфологик) лойиҳалаш деб юритилади.



ER-моделни одатда график шаклда, П. Ченнинг таклифидан фойдаланган ҳолда яратилади ва ER-диаграмма ёки бошқа методологик ифодалашлардан фойдаланиш мумкин.

Электрон ҳужжатнинг тавсифини ҳосил қилувчи конструкторининг ER моделида 10 та объект иштирок этган ва уларнинг муносабат тури 1:N бўлиб, жами 11 манتيкий муносабат ишлатилган. Бу муносабатлар тавсифловчи конструкторни маълумот билан таъминлаб беради.



6-расм. Электрон ҳужжат тавсифини ҳосил қилувчи конструкторининг ER модели.

Диссертациянинг тўртинчи бобида «Дастурий мажмуанинг функционал вазифалари, талаблари ва жорий қилиш натижалари» деб номланган бўлиб, автоматлаштирилган ишчи ўринларнинг функционал вазифалари аниқлаш, ҳужжат айланиш тизимининг хавфсизлик сиёсати ва техник талаблари. Жорий қилиш талаблари, шартлари ва олинган натижалари таҳлили келтирилган.

Электрон ҳужжат айланиш тизимлари локал, минтақавий ва глобал тармоқлар, сервер ва мижоз ҳисоблаш мажмуалари, маълумотлар базасининг серверидан фойдаланиб келади. Электрон ҳужжат айланиш тизимларини жорий қилиш босқичи асосида ташкилот сервери ва марказий серверлар билан ишлатилади.

Тизимнинг натижадорлиги ва самарадорлигини аниқлаш учун қуйидаги кўрсаткичлар белгиланади.

- электрон ҳужжатлар сони (D_c , бирлиги дона);
- ишлов бериш ва жавоб тайёрлаш вақти (M_t , бирлиги секун);

- автоматлашган ишчи ўринлар асосида фаолият юритувчи ходимларнинг иш самарадорлиги (E_s , бирлиги дона);
- қоғоз билан ишлайдиган вақти (P_t , бирлиги секун);
- хужжатларни юбориш харажатлари (D_s , бирлиги сўм).


Бу кўрсаткичлар асосида умумий кўрсаткични ҳисоблаш қуйидагича амалга оширилади.

$$C = \frac{1}{N} \sum_{i=1}^N k_i \quad (10)$$

Бунда N - кўрсаткичлар сони ($N=5$), k_i - мос ҳолда кўрсаткичнинг самарадорлиги. k_i кўрсаткичнинг самарадорлиги қуйидагича ҳисобланади

$$k_1 = \frac{D_c}{D_c^0} - 1, k_2 = \frac{M_t}{M_t^0}, k_3 = \frac{E_s}{E_s^0}, k_4 = 1 - \frac{P_t}{P_t^0}, k_5 = \frac{D_s}{D_s^0}$$

Электрон хужжат айланиш тизимининг самарадорлиги кунлик, ойлик, кварталлик, йиллик нисбатлари алоҳида аниқланади 7 – расмда .



7-расм. TATU ташкилотида D_s хужжатларни юбориш харажатларининг солиштирма таҳлили.

Юқорида келтирилган статистик маълумотларнинг солиштирма таҳлилларидан электрон хужжат айланиш тизимини ташкилотнинг корпоратив ва локал тармоқларида ходимлар, фойдаланувчиларнинг (мижозлари) 5 та кўрсаткич бўйича самарадорликка эга. Бундан эса, давлат органларининг, хусусий секторларнинг фаолиятида тадқиқотнинг илмий ва амалий натижаларидан фойдаланиш мумкинлигини ва бу электрон хужжат айланиш тизимини оммалаштириш мумкинлигини аниқлаб беради.

ХУЛОСА

1. Электрон хужжат айланиш тизимларининг ривожланиш тенденцияси асосида Республика ва яқин хорижий давлатларда фойдаланиб келинаётган дастурий мажмуалар таҳлил қилинди. Таҳлил қилинган электрон хужжат айланиш тизимларининг аксарияти стандарт шаблонлар асосида электрон хужжатларни тавсифлаш ва алмашишдан фойдаланиб келмоқда. Бу эса янги турдаги электрон хужжатларни тавсифлаш муаммоларини келтириб чиқармоқда, шунингдек, халқаро ташкилотлар билан маълумот алмашиш стандартига мослаштириш лозимлиги аниқланди.

2. Электрон ҳужжат айланиш тизимларининг локал, корпоратив, минтақавий ва глобал синфларга ажратилди ва таърифлари ишлаб чиқилди. Электрон ҳужжатларни бошқариш ва шакллантириш схемаси, шу схема асосида ҳужжатларга ишлов бериш ва бошқаришнинг математик модели қурилди ҳамда унинг ечимлари аналитик усулда топилди.

3. Электрон ҳужжат айланиш тизимида электрон ҳужжатларни тавсифлаш учун иккита конструктор, MARC21 майдонлари орқали ҳужжатларни тавсифлаш конструктори, майдонларни ҳосил қилувчи дастурий инструмент орқали ҳужжатларни тавсифлаш конструктори ишлаб чиқилди.

4. Электрон ҳужжат айланиш тизимлари учун B_1 - Ташкилотда бир фаолиятга йўналтирилган электрон ҳужжат жилдини яратиш ва узатиш, B_2 - Ташкилотга келган электрон ҳужжатни жорий қилиш, B_3 - Ташкилотда электрон ҳужжатни яратиш ва узатиш, B_4 - Ташкилотда электрон ҳужжатга ишлов бериш ва жавоб узатиш жараёнларининг BPMN моделлари ва электрон ҳужжатга умумий ишлов беришнинг вақтини такрорланувчи ҳамда такрорланмайдиган ҳодиса ва хусусиятлари асосида ҳисоблашнинг математик ифодаси ишлаб чиқилди.

5. Электрон ҳужжат айланиш тизимларининг модуллар ва тизим ости модулларининг вазифалари аниқланди ва шу асосида функционал тузилмаси ишлаб чиқилди. Маълумотлар базасини бошқаришнинг мантиқий лойиҳалаш босқичига асосан ER модели ишлаб чиқилди.

6. Динамик ҳисоботларни шакллантириш учун электрон ҳужжатнинг тавсифи бўйича, даврий интервал, электрон ҳужжатнинг бажарилиши бўйича ҳисоботларни шакллантириш услублари ва уларнинг 5 та алгоритмлари тақриф қилинди.

7. Электрон ҳужжат айланиш тизимлари учун 10 та автоматлаштирилган ишчи ўринлар ва уларнинг функционал вазифалари ишлаб чиқилди. Ҳар бир автоматлаштирилган ишчи ўринларга мўлжалланган дастурий модулларни ва вазинини ҳам ҳисобга олган ҳолда бириктириш орқали функционал тузилмани лойиҳалаш услуби яратилди. Электрон ҳужжат айланиш тизимларининг хавфсизлик сиёсатини ташкиллаштиришнинг мантиқий ҳодиса – рол технология муносабатининг бинар жадвали асосида амалга ошириш ва ундаги ўзаро қўллаб қувватланувчи, ўзаро қарама – қарши ҳодисалар билан амалга ошириш услуби жорий қилинди.

8. Тақриф қилинаётган электрон ҳужжат айланиш тизимининг техник ва дастурий таъминотлари ташкилот ва корпоратив тизим учун жорий қилиш механизми ва талаблари ҳамда шартлари ишлаб чиқилди, ОАК, ТАТУ, ДГ ташкилотларига жорий қилинди. Тизимнинг самарадорлигини аниқлаш учун 5 та кўрсаткичлар аниқлаб олинди ва уларни таҳлил қилиш услуби ишлаб чиқилди ҳамда натижалар таҳлил қилинди. Натижалар асосида электрон ҳужжат айланиш тизимининг самарадорлиги жорий қилингандан сўнг ошганлигини кўрсатди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.13/30.12.2019.Т.07.02 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ
ИНФОРМАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ**

**ТАШКЕНТСКИЙ УНИВЕРСИТЕТ ИНФОРМАЦИОННЫХ
ТЕХНОЛОГИЙ**

ДАУЛЕТОВ АДИБЕК ЮСУПБАЕВИЧ

**РАЗРАБОТКА МОДЕЛЕЙ, АЛГОРИТМОВ И ПРОГРАММНЫХ
ИНСТРУМЕНТОВ КОРПОРАТИВНОЙ СИСТЕМЫ ЭЛЕКТРОННОГО
ДОКУМЕНТООБОРОТА**

05.01.09 - «Документоведение. Архивоведение. Библиотекосведение»

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ
ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Тошкент-2022

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан под номером В2022.2.PhD/Т3000.

Диссертация выполнена в Ташкентском университете информационных технологий.

Автореферат диссертации размещён на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) на сайте Ученого совета (www.tuit.uz) и на информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель : Муминов Баходир Болтаевич
доктор технических наук, профессор

Официальные оппоненты: Тураев Шавкат Шухратович
доктор экономических наук, доцент
Элов Ботир Болтаевич
доктор философии по техническим наукам (PhD), доцент

Ведущая организация: Национальный архив научно-технических и
медицинских документов Узбекистана

Защита диссертации состоится «17» декабря 2022 г. в 12⁰⁰ часов на заседании Научного Совета DSc.13/30.12.2019.T.07.01 при Ташкентском университете информационных технологий. (Адрес: 100084, г. Ташкент, ул. Амира Темура, 108. Тел.: (99871) 238-64-43; факс: (+99871) 238-65-52; e-mail: tuit@tuit.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского университета информационных технологий (регистрационный номер №2709). (Адрес: 100084, г. Ташкент, ул. Амира Темура, 108. Тел.: (99871) 238-65-44).

Автореферат диссертации разослан «15» декабря 2022 года.
(протокол рассылки № 9 от «03» декабря 2022 года.)



Б.Ш.Махкамов
Председатель научного совета по
присуждению учёных
степеней, д.э.н., профессор

Э.Ш.Назарова
Учсный секрстарь научного совета по
присуждению учёных степеней, д.т.н.,
доцент

М.А.Рахматуллаев.
Председатель научного семинара при
научном совете по присуждению ученых
степеней, д.т.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире из-за пандемии Covid-19 увеличилась потребность в документообороте, имеющем значимость во вневедомственной работе организаций. Это, в свою очередь, привело к росту потребности в системах электронного документооборота. Процветание общества связано со слаженной работой, интеграцией организаций и оперативным и надежным обеспечением их информацией. Во всемирно известных брендовых организациях широко внедряются системы документооборота. Развитие данных систем осуществляется быстрыми темпами, в особенности межгосударственные системы электронного документооборота изучаются как научная и прикладная проблема. В странах, где развита данная сфера, в частности, в США, Франции, Германии, Италии, Российской Федерации, Китае, Японии, Иране, Южной Корее и других, большое внимание уделяется разработке и применению систем электронного документооборота.

В мире при разработке и внедрении систем электронного документооборота учитывается специфика государств, организаций, разрабатываются нормативно-правовые документы, а также множество математических моделей, функциональных структур информационных систем. В зарубежных странах и странах СНГ многие компании применяют такие разработанные программные продукты как «Bbworkspace», «CognitiveForms», «DocuPact», «CompanyMedia», «DocsVision», «EXO», «Sonora» «Excalibur EFS», «Alfresco (ECMсистема)», «Fabasoft eGov-Suite», «FolioCloud», «GlobusProfessional», «Groove», «iManage WorkSite MP», «MeetingZone», «Nuxeo», «OpenText LiveLink», «SiTex-Документооборот» «IC:Документооборот», которые имеют соответствующую нормативно-правовую документацию. На сегодня в архивный фонд входят более 12 триллионов документов, и данный показатель увеличивается ежегодно как минимум на 2,5 миллиарда ед. Учитывая, что это ведет к увеличению расходов на хранение бумажных документов в архивах, актуальным представляется цифровизация рабочего процесса.

В Республике также ведется широкомасштабная работа по разработке и внедрению в практику систем электронного документооборота. В соответствии с Постановлением Президента Республики Узбекистан от 9 декабря 2019 года №ПП-4546 «О мерах по дальнейшему сокращению бюрократических барьеров и внедрению современных управленческих принципов в деятельность государственных органов и организаций»¹ и Программой внедрения данного постановления и научного, цифрового устранения бюрократических преград, начиная с января 2021 года отчетность и документооборот между государственными органами и организациями, их структурными подразделениями формируются и осуществляются в электронном виде. Проект данного постановления был разработан

¹ Постановление Президента Республики Узбекистан от 9 декабря 2019 года №ПП-4546.

Министерством юстиции и его целью является создание документов всех видов не только в бумажном формате, но и в электронном виде, а также поэтапное формирование структуры их хранения и оборота.

В соответствии с Программой и мерами по внедрению Постановления Президента от 28 апреля 2020 года №ПП-4699 «О мерах по широкому внедрению цифровой экономики и электронного правительства»² в «Год развития науки, просвещения и цифровой экономики» определены задачи по широкому внедрению современных информационных технологий в отрасли экономики и систему государственного управления и расширению сетей телекоммуникаций. В Республике актуальными являются вопросы разработки и внедрения в практику систем электронного документооборота между учреждениями разных и смежных отраслей.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологии IV – «Информатизация и развитие инфокоммуникационных технологий».

Степень изученности проблемы. Изучены научные исследования таких ученых как Ю.Ю.Петров, Ю.В.Химич, В.М.Киреев, Ф.Фатеев, Г.И.Андреев, Х.Н.Зуй, E.Raff, J.Oliveria, A.R.Silva, A.S.Araujo, В.И.Аверченков, А.А.Белов, В.А.Гвоздева, В.П.Комаров, И.К.Корнеев, В.А.Машурцов, И.Ф.Кузнецов, Н.В.Кузьменко, Е.В.Михеев, Н.М.Шерыхалина, которые вели исследование по созданию и внедрению систем электронного документооборота.

Рассмотрены работы отечественных ученых, в частности, М.А.Рахматуллаева, А.Р.Ахатова, Б.Б.Муминов, О.Бобомурадова, К.Ф.Керимова, под руководством которых в нашей Республике проводились научные исследования по разработке и внедрению моделей и алгоритмов систем электронного документооборота.

Анализ исследований данной сферы показал, что до настоящего времени недостаточно изучены вопросы описания входящих документов по метаданным в рамках электронного документооборота в корпоративных сетях, управления документами и схем их формирования, обработки документов на основе данных схем, построения математической модели управления, формирования динамических отчетов.

Связь темы диссертационного исследования с научно-исследовательскими работами высшего учебного заведения, в котором выполняется диссертация. Диссертационное исследование выполнено в соответствии с планом научно-исследовательских работ профессионально-преподавательского состава Ташкентского университета информационных технологий имени Мухаммада ал-Хоразми в рамках проектов Ф05/14 «Создание моделей, алгоритмов и программных инструментов корпоративной системы электронного документооборота» (2019-2020) и

² Постановление Президента Республики Узбекистан от 28 апреля 2020 года №ПП-4649.

21/19-Ф «Методы и программные средств интеграций разнородных информационных систем» (2019-2021).

Целью исследования является разработка и внедрение в практику моделей, алгоритмов и программных инструментов систем электронного документооборота в сфере науки и образования.

Задачи исследования:

построение математической модели обработки и управления документами на основе схемы управления и формирования электронных документов;

разработка алгоритма и программного инструмента конструктора описания документов на основе информационных структур, образующих поля и поля MARC21;

разработка модели проектирования функционально-логических процессов и алгоритма расчета времени систем электронного документооборота, а также функциональной структуры и определения задач модулей и модулей подсистем;

разработка методов, алгоритмов и программных инструментов формирования многопараметрной динамической отчетности на основе полей тегов и MARC21;

